

Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими кишиларни янги иш ўринлари билан таъминлаш борасида катта ишлар қилмоқда. Иш излаётганлар учун турли курслар ташкил этилмоқда, одамларни банд қилишнинг бошқа имкониятлари изланмоқда.

ИШОНЧ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 21 май, жума № 82 (1715)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«БОЙСУН» БАҲОРИ

Бойсун тоғ бағрида «Бойсун баҳори» учинчи халқаро очик аънавий фольклор фестивали ўтказилмоқда. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан фольклор этнографик дасталар иштирок этмоқда.



Мандчилиги кўрғазмалари қолдирмоқда. «Бойсун баҳори» фестивали қатнашчиларининг чиқишлари.



Ижтимоий ҳимоя

Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, дехқон-фермер хўжалиқларини ташкил этиш аҳолини иш билан таъминлаш ва бандлик даражасини оширишда катта аҳамиятга эга.

Кўнгиладан Кўнгиладан СУВ ИЧАР

Қашқадарёнинг Шаҳрисабз, Китоб, Яққабоб, Қамаш, Чирчиқ, Дехқонбод, Гузор туманлари аҳоли зич жойлашган ва бандлик даражаси паст бўлган хўжалиқлардан ҳисобланади. Вилоят ҳокимлиги ишлаб чиқариш кўчаларини ривожлантириш мақсадида «2004-2006 йилларда кам таъминланган аҳоли қатламларининг муқим даромад манбаларини шакллантириш концепцияси»ни ишлаб чиқди.

Вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармасидан маълум қилишларига, дастурга асосан бир неча йўналишлар орқали кам таъминланган оилаларнинг даромад манбаларини ошириш таъминланади. Концепцияни амалга ошириш учун 150 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Дехқон хўжалиқлари ташкил қилиш кам таъминланган оилалар даромадини оширишнинг асосий манбаи. Воҳанинг тоғ, тоғ олди ҳудудлари ва лалмикор ерлардан қўшимча экин майдонлари ажратилиб, боддорчилик ва узумчилик йўлга қўйилди.

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан дехқон хўжалиқлари ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун 25 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Агар бу йил Китобда 124 та боддорчилик ва 8300 та узумчилик йўналишлари бўйича дехқон хўжалиқлари тузилиши ҳисобга олинган бўлса, микрокредит маблағларини янада кўпайтириш тақозо этилади. Вилоятда амалга оширилган бундай тадбирлардан мақсад ижтимоий муҳофазатга мутоқ кўп болали оқибатда оилаларнинг доимий даромад манбаларини шакллантиришдан иборат. Эндиликда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ва туман меҳнат бўлимлари ёрдамида кам таъминланган оилалар аниқланиб, тадбиркорликни йўлга қўйишда яқиндан кўмаклашिलाпти.

Иззат ХИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ПИЛЛАКОРЛАР - МАРРАДА

Бухоро вилояти пиллакорлари қабул пунктларига 1980 тоннадан зиёд сифатли хомаше топшириб, йиллик шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб урдади.

Пилла қайта ишлашда муаммо бўлмади, - дейди Бухоро вилояти «Пилла» акциядорлик жамияти бirlашмаси раиси Зокир Каромов, - «Хвашен-Бухоро» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси, «Бухоро ипаги» хиссадорлик жамияти каби корхоналар янги ҳосилга харидор бўлаётди.

ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Самарқанд туманидаги «Стеклопластик» корхонаси маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топган. Утган йили корхонада юз турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

ШАҲЛО ПОЙТАҲТИ ЙўЛНАМА ОЛДИ

Самарқанд Ёшлар ижтимоий саройида «Йил ўқитувчиси-2004» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунида. Ун олти нафар изланувчан, билими ва зукко педагог компютер саводхонлиги, дарс жараёнида янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш билан боғлиқ шартлар бўйича беллашди.

(ЎзА)

Раҳбарликнинг юки оғир. Бу маъсулиятни ҳамма ҳам ундай олмайди. Эл дардини ўзиники деб унга елка туган. Зиммасидаги маъсулиятни бир дам бўлса-да унутмаган фойдалангани кўнга бошчилик қила оладилар.

Вобкент туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги касабаси бўлиши кўмитаси раиси Шухратжон Шолқиров ҳам меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғланганлардан. У ўзидан ҳам кўпроқ ширкат аъзоларининг манфаатлари ҳақида ўйлайди.

Бир пайтлар меҳмон келса, боши ҳам бўлади-ган «Зарафшон» хўжалиги бугун вилоятда иқтисоди бакуват хўжалиқлар каторида тилга олинади. Утган йили 25 тонна ўрнига 30,6 тонна пилла, 400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42,5 центнердан дон, 3271 тонна пахта етказиб берилди. Умумий даромад 849203 минг сўми ташкил этиб, бунинг асосий қисми аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, маданий-маърифий ишларга сарфланди. Хонадонлар газлаштирилиб, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Қўрқам дала шийпонлари, чойхона, ошхона, савдо шохобчалари, амбулатория халқ хизматида. Хўжаликда 6 кунлик иш ҳафтаси, 7 соатлик иш кўни белгиланган. Зарарли иш шариоатида ишловчиларга жамоа шартномасида кўрсатил-

Ўзги соғломлаштириш мавсумига ҳам санокли кунлар қолди. Хар бир мавсум ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мухбиримиз Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссия раисининг ўринбосари Озода МУХИТДИНОВА билан шу ҳақда суҳбатлашди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши, Республика вазирликлари ҳамда идоралари, жамғармалар, жамоат ташкилотлари, шунингдек, ҳокимиятлар сайёҳаракати билан утган йилги ёз мавсумида 601 та оромгоҳлар фаолият кўрсатди. Уларда 241 минг нафардан зиёд болалар дам олишди. Соғломлаштириш режаси 100,7 фоизга бажарилди. Мамлакатимиз бўйича 260 та шаҳардан ташқари, 38 та санаторий туридаги, 8 та спорт-соғломлаштириш, 294 та мактаблар қошидаги кундузги ва 1 та меҳнат ҳамда дам олиш оромгоҳлари ишлади. Шунингдек, Оролбўйи ҳудудларидан келган 4 минг нафар болалар Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳрининг энг сўлим оромгоҳларида дам олдирилди.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ МАВСУМГА ШАЙМИ?

руватли ташкилотлар сони янада кенроқ бўлишини истарди. Чунки, ёзи оромгоҳларга берилаётган имтиёз фарзандларимизга, келажакимиз бўлган фарзандларимиз учун меҳр-му-

Маълумки, ўтган йил севғин келди. Шу ўринда айрим вазирликлар, идоралар, жамғармаларнинг ушбу муҳим тадбирни тўлақонли ўтказишидаги ихобий сайёҳаракатлари алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги томонидан оромгоҳлардаги осийшталарни сақлаш мақсадида 1000 дан зиёд ходимлар уларга бириктириб қўйилди. Шунингдек, мазкур вазирликнинг фаол иштирокида Асака шаҳридаги ўқув маркази қошида 225 нафар, Хоразм вилоятининг «Коинот» оромгоҳида 300 нафар тарбияси оғир бўлган болалар дам олдирилди. Лекин фақат бугина эмас. Бошқа кўнган ташкилотлар ҳам бу муҳим тадбирга ўз улушларини қўшишди. Масалан, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасини олайлик. Улар томонидан 291 минг сўмлик тиббиёт аптекалари ажратилди. «Косон» жамғармаси эса бепул ди-

Ўзги соғломлаштириш

«Бошқоммунгаз» республика Давлат компанияси, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, Республика «Дори-дармон» акционерлик уюшмаси ташаббускорлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ МАВСУМГА ШАЙМИ?

камчиликлар нималардан иборат? - Албатта, соғломлаштириш режаси республика бўйича бажарилган бўлса-да, Жиззах, Бухоро ва Навоий вилоятларида кўнгиладан кўнгиладан эришилмади. Баъзи оромгоҳларда болаларнинг кундалик овқатланишлари учун ажратилган маблағлар тўла сарфланганига эришилмади.

Чунончи, Бухоро, Самарқанд вилоятларида ва Қорақалпоғистон республикасида шундай камчиликлар кузатилди. Ёки санаторий туридаги оромгоҳлар учун кундалик овқатланиш меъёри 1450 сўм этиб белгиланганига қарамай, ушбу рақам Андижон, Фарғона вилоятида меъёрида бўлмади. Бунинг устига кўнган вилоятларда ҳам болалар тўла муддатларда соғломлаштирилмади. Шаҳардан ташқари санаторий туридаги оромгоҳларда 18 кун ўрнига Бухоро, Сурхондарё вилоятларида бу рақам анча паст бўлди.

Оромгоҳларни ўз вақтида мавсумга ҳозирлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, маданий-маърифий ва спорт ишларини йўлга қўйишда баъзи камчиликлар ҳам учради. Масалан, Наманган вилоятидаги «Электрон», Жиззах шаҳридаги «Матлуботчи» оромгоҳлари қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан етарлиқ таъминланмади. Навоий вилоятидаги «Дўстлик» оромгоҳини ичимлик суви билан таъминлаш бир неча йилдан бери муаммо бўлиб келмоқда.

Яна шунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки фарзандларимиз оромгоҳларда нафақат дам олишлари, балки билим ва маънавиятларини ҳам ошириб қўйишлари мумкин. Бу борада тарбиянинг таъсир-

«КЕЙС» ДАЛАГА ОТЛАНМОҚДА

Бу йил 115 минг гектар майдонда ғалла парварлашган вилоят дехқонлари ўрим-йиғинга жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Хосилининг асосий қисмини «Кейс»лар ёрдамида ўриб-янчиб олиш мўлжалланган. Бўша тумани Машина трактор паркни очик акциядорлик жамияти жамоаси мавсумида тайёргарлик ишларини ниҳоятга етказди.

Хозирга қадар 17 ширкат, 387 фермер хўжалигининг салкам 11 минг гектар майдондаги ғалласини ўриб бериш йўлидан шартнома туздиқ, - дейди жамият бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Пулат Абдулазизов. - Тасарруфимиздаги техника далада бунёқсон ишлаш учун барча чоралар қўрилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун олдиндан бериладиган мақсадли буняқин тегишли қисми МТПлар ўз вақтида ва тўла йўналтирилгани мавжуд техникани мавсумга барвақт ҳозирлаш имконини бермоқда.

Мавсумда МТП тасарруфидидаги 25 «Кейс»нинг ҳар бири ёрдамида ўртача 450 гектар майдондаги ҳосил саранжомлаб олинади. (ЎзА)

Орамиздаги одамлар

қўмитаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ижтимоий тараққиёт, маданий-маиший, спорт, ижтимоий ҳимоя ва бошқа масалаларни баҳам-қилиш ҳал этилади. Ишлаб чиқариш, иқтисодий фаолият масалалари бўйича 280 та ички ва 46 та ташқи шартномалар тузилган. Уларнинг бажарилгани бўйича раҳбар ва бош мутахассис-

«ЗАРАФШОН»НИНГ МУНАВВАР ТОНГЛАРИ

ларнинг ҳисоботи эшитилиб, керакли қарорлар қабул қилинган. Касабақўм раиси жамоа шартномасини имзолаётганда кўпроқ кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган, шунингдек, тадбиркор, ишбилармон фермерлар манфаатини кўзлайди. Дехқоннинг ерга муносабати, ундабулонлиги, тажрибасига қараб майдонлар тақсимланади. Йиллик режани бажармаган фермерлар фаолияти касабқўм томонидан ҳар томонлама ўрганилиб, тегишли чора кўриш учун бошқарува тақдим этилади. Керак бўлганда, ер ишни кўзини билладиган, меҳнатдан қочқарилишнинг фертмерлар тасар-

руфига ўтказилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича шартнома шартларини бажармаган 53 та пиллачилик звеносидан 852 минг сўмга яқин, ғалличиликда 56 та пудратчида 4 миллион 530 минг сўм, пахтачиликда 38 та оила пудратчисидан 4 миллион 681 минг сўм жарима ундирилди. Шартнома шартларини

ҳотларни чуқурлаштириш ҳар қарч ердан самарали фойдаланишни тақозо этади. Шу ниятда 971 гектар пахта экиладиган майдон 207 нафар оила пудратчиларига танлов асосида узоқ муддатга берилди. Шунингдек, хўжаликда 75 та дончилик, 5 та бодачилик бўйича оила пудратчилари фаолият кўрсатмоқда.

Яхши дам, меҳнатга ҳамдам. Ишловчиларнинг кўнгили дам олишлари учун хўжаликда барча шарт-шароитлар яратилган. 15 та дала шийпони дехқоннинг иккинчи уйига айлантирилган. Хар бир дала шийпониди 1 гектар бог мавжуд. Унда етиштирилган сабзавот ва полиз маҳсулотлари пудратчиларга бепул тарқатилади.

(Давони 2-бетда)

Ширин мия (Буён томир) шифобахш ўсимлик бўлиб, Оролбўйи ва Амударё дельтасининг наботот бойликларидан ҳисобланади. Бундан 42 йил муқаддам Қорақалпоғистонда яна шу қимматли хомашёни етиштиришга киришди.

Султонмурод Қанёзов ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида катта тажриба орттирган фидойи ёшуллардан бири. «Пахта иши» бўйича уч йилу 1 ой ноҳақ камалиб, жабр тортиди. 1991 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон «Буён томир» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига раислик қилаётти.

Султонмурод оға фан ютуқлари, агротехника илмини амалий ишлар билан уйғунлаштириб олиб борадиган раҳбар. Жамиятнинг иқтисодий кўрсаткичларини чуқур таҳлил этади, деҳқонча қилиб айтганда етти ўлчаб, бир кесади.

Ширин миянинг шифобахш хусусиятини эраимиздан тўрт минг йил муқаддам Чин-Мочин мамлакатда яхши билишган, - дейди ёшулли, - Улуғ аллома Абу Али Ибн Сино, араб ҳақими Аб Розий асарларида ҳам у ҳақда алоҳида тўхталинган. Тибб ва Хитой халқ табибларида беморларни даволаш учун кенг қўлланган.

«Буён томир» - ширин мия қадимий шифобахш ўсимликлардан бири. Ҳар хил дори-дармонлар тайёрлаш учун ишлатилган.

Каттиқ шамоллаш, бронхит астма касалликларини даволашда фойдаси катта. Қувватига кўра, женьшен ўсимлиги билан бир қаторда туради. Фармакология, озик-овқат, кимё, рангли металлургия сонаотида кенг қўлланилади. Америка, Корея, Хитой, Япония каби давлатларда «Кока-кола», «Пепси-кола» каби салкин

БУЁН ТОМИР – КАТТА ДАРОМАД МАНБАИ

ичимликлар тайёрлашда ишлатилади. Уругидан чорва моллари учун тўйимли дондор ем тайёрлаш мумкин. Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Туркия, Озарбайжон, Афғонистон дала-дашларни, Сирдарё ва Амударё ҳавзасида ёввойи ҳолда ўсади.

Истиклолга қадар хўжалик тажрибали мутахассис Г.Минахметов кўп йил раҳбарлик қилган. Шифобахш гёбўларни кўпайтириш соҳасидаги муаммолар ҳал этилмаганлиги учун ишни қайтадан бошлашга

тўғри келди. Изланишлар натижасида ёввойи ўсимликлар маданийлаштирилиб, экинзорлар 3 минг гектарга етказилди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон филиали олимлари билан ҳамкорликда ширин мияни уругдан экиб, кўкартириш ва парваришлаш агротехникаси ишлаб чиқилди. Кенг майдонларда илдишлардан экин ўрмонзорлари яратилди. Вақтида ишлов берилган, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантирилган

сўм даромад олинди. Унинг 195 миллион сўми соф фойда. Ҳар бирининг номинал қиймати 10 минг сўмлик 25 минг донга акция чиқарилган бўлиб, ҳозиргача ишчиларга 250 миллион сўм дивидент тарқатилди. Утган йили ишчиларга 23 миллион сўм мукофот пули берилди. Давлатбой Пирлесов, Нуратдин Абдуғафоров, Қиллис Исаев, Ўлмекен Алламберганава,

Оболд Хўжалепесов каби акциядорлар иш ҳақи ва дивидентдан ташқари 900 мингдан 1 миллион 200 минг сўмгача мукофот пули олдилар. Қишлоқ инфратузилмаси ривожлантирилди. Даромад хисобидан механизация-таъмирлаш парки, хом ашё сақланадиган оғирлар, тарозхона, тиббий маскан курилди.

Йигирма бир мингдан зиёд аҳоли яшайдиган Сарнақ, Респо ва Саманбой кўрғонлари ободонлашиб, кўркамлашмоқда. Сувчилар посёлкасининг йўллари таъ-

Оролбўйи бойликлари

мирланди. Худудда 4 та мактаб ва 4 та болалар боғчаси мавжуд. Ҳар йили мактабгача тарбия ва таълим даргоҳларини таъмирлашга 2,5-3 миллион сўм маблағ ажратилапти. Кам таъминланган оилаларнинг 2, 7-синфларида ўқийётган болаларга 2,7 миллион сўмлик дарсликлар олиб берилди. Нукус тумани тўрқонхонасини таъмирлашга 1 миллион сўм маблағ ажратилди.

1998 йилда Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада жаҳон Сифат марказининг Олтин юлдузи билан мукофотланган Қорақалпоқ буён томирининг шифобахш хусусиятини хорижликлар ҳам тан олишган. Дала-дашларини яшил либосга буркайдиган бутасимон ёввойи ўсимлик маҳаллий тилда «Буёнтомир» деб аташади. Ҳам илдиши, ҳам уруги даво хисобланган ширин мия буталарини, «сахро маликиси» деб беҳиж номлашмаган. Қорақалпоғистон Жўқори Кенгеси депутати Султонмурод Қанёзов каби кишиларнинг тadbиркорлиги тўғрисида оламни бойитиш соҳасида дадил қадам қўйилди.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси қабул қилинганидан сўнг ижтимоий шерикчиликнинг аҳамияти беқиёс кўтарилди, унинг механизми ҳар бир корхонага етказиш учун ҳақиқий имкониятлар яратилди. Келишувлар ва шартномалар воситасида халқ қилинадиган масалалар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Ушбу масалалар ечими ҳодимлар манфаатларини ифода этувчи ҳар бир поғонадаги касабга уюшмаси ташкилотининг фаоллигига ва ишчанлигига бевосита боғлиқдир. Чунки келишувлар ва шартномаларни ишлаб чиқиш ва тузиш ташаббуси билан асосан касабга уюшмаси ташкилотлари чиқарилди.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида бир неча поғонада, яъни республика, минтақа, тармоқ, худуд ва ташкилот миқёсларида амалга ошириладиган ижтимоий шерикчилик тизими белгиланган.

Конун ҳужжатларида ҳам, амалиётда ҳам касабга уюшмаларининг эркин фаолият юритишлари тааллуқли ҳеч қандай шарт ва чекловлар мавжуд эмас.

Жамоа музокараларига дахлдор миллий конун ҳужжатлари ХМТнинг «Жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисида»ги 154-Конвенцияси тамойилларида тўла мос келади.

Чунинчи, Меҳнат Кодексида белгиланишича, ҳар қайси тарф жамоа шартномаси, келишувини тузиш ва ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш ташаббуси билан чиқишга ҳақлидир. Касабга уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўзларини вакил қилган ходимлар номидан музокаралар олиб бориш, жамоа шартномасига, келишувига ўзларини вакил қилган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи иловалар тақдир этиш ва уларни имзолашга ҳақлидир.

Жамоа шартномаси, келишувини тузиш, ўзгартириш ва тўлдириш учун иш берувчи, иш берувчилар бирлашмаси (уларнинг вакиллари) билан касабга уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан музокаралар олиб бориш, жамоа шартномасига, келишувига ўзларини вакил қилган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи иловалар тақдир этиш ва уларни имзолашга ҳақлидир.

Касаба уюшмалари бугун ИЖТИМОЙ МУЛОҚОТ — АМАЛДА

Жамоа музокараларига дахлдор миллий конун ҳужжатлари ХМТнинг «Жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисида»ги 154-Конвенцияси тамойилларида тўла мос келади.

Чунинчи, Меҳнат Кодексида белгиланишича, ҳар қайси тарф жамоа шартномаси, келишувини тузиш ва ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш ташаббуси билан чиқишга ҳақлидир. Касабга уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўзларини вакил қилган ходимлар номидан музокаралар олиб бориш, жамоа шартномасига, келишувига ўзларини вакил қилган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи иловалар тақдир этиш ва уларни имзолашга ҳақлидир.

Жамоа шартномаси, келишувини тузиш, ўзгартириш ва тўлдириш учун иш берувчи, иш берувчилар бирлашмаси (уларнинг вакиллари) билан касабга уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан музокаралар олиб бориш, жамоа шартномасига, келишувига ўзларини вакил қилган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи иловалар тақдир этиш ва уларни имзолашга ҳақлидир.

Жамоа шартномаси, келишувини тузиш, ўзгартириш ва тўлдириш учун иш берувчи, иш берувчилар бирлашмаси (уларнинг вакиллари) билан касабга уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан музокаралар олиб бориш, жамоа шартномасига, келишувига ўзларини вакил қилган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи иловалар тақдир этиш ва уларни имзолашга ҳақлидир.

Авалги жамоа шартномаси, келишувини тузиш, ўзгартириш ва тўлдириш учун иш берувчи, иш берувчилар бирлашмаси (уларнинг вакиллари) билан касабга уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан музокаралар олиб бориш, жамоа шартномасига, келишувига ўзларини вакил қилган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи иловалар тақдир этиш ва уларни имзолашга ҳақлидир.

вининг амал қилиш мuddати тугашига қадар уч ой мобайнида ёки бу ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган мuddатда ҳар қайси тарф бошқа тарафга янги жамоа шартномасини, келишувини тузиш юзасидан музокаралар бoшлаш тўғрисида ёзма хабар бeришга ҳақлидир.

Музокаралар олиб бoриш ва жамоа шартномаси, келишувининг лoйиҳасини тaйёрлаш учун тарафлар тенг ҳуқуқлилик асосида тегишли вақoлларга эга бўлган вакиллардан иборат комиссия тuзaдилар.

Музокараларда иштирок этaйтган тарафларга жамоа шартномаси, келишувининг мазмунини тaшқил этувчи масaлаларни тaнлаш ва муҳoқaмa қилишда тўла эркинлик бeрилади.

Иш бeрувчилар ва уларнинг бирлaшмaлари, ижрo этувчи ҳoқимият органлари касабга уюшмaларига, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига музокаралар учун ўзларидaги зарур маълумoтларни бeришлари шарт. Музокараларнинг қaтнашчилари, музокара олиб бoриш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар, бaшaрти ўзлар олган маълумoтлар давлат ёки тижoрат сирини бўлса, уларни oшқoр қилган шахслар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жaвoбгарликка тортилaдилар.

Агар музокаралар жaрaёнида тарафлар ўзларига бoғлиқ бўлган сабабларга кyра мyросига кeлa олмaган бўлсалар, бaёнoмa тuзилиб, унга тарафларнинг бу сабабларни бaртараф этиш учун зарур чoрaлар ҳaқидaги тyғал равишда баён этилган, шунингдек музокараларни қaйтa тиклаш мuddaтига доир тақлифлари киритилaди.

Иш бeрувчининг мaнфaатларини ифoдa этувчи шахслар жамоа шартномаси, келишувини тузиш, ўзгaртириш ёки тўлдирish юзасидан олиб бoриладиган музокараларда қaтнашишдан буйин тoвлaнганлик ёки уларни ишлаб чиқиш ва тузиш мuddaтини бузганлик ёҳуд тарафлар белгиланган мuddaтда тегишли комиссиянинг ишани тaъминламaганили учун, музокаралар олиб бoриш ва жамоа шартномаси, келишувига риoя этилиши устидан текшириш олиб бoриш учун кeрaкли ахборот тақдим этмaганлик учун жaвoб бeридилар. Бундай ҳaрaқaтлар (ҳaрaқaтсизликлар) мeҳнат тўғрисидаги конун ҳужжатларининг бузулиши тарикасида баҳoлaнади ва қoнунда нaзaрдa тyтилган тартибда жaвoбгарликка тортишга сабаб бўлaди.

2. Ижтимоий-мeҳнат мyносaбатларида кaтта аҳaмиятга эга бўлган энг муҳим мyаммoлардан бири — мaвжуд иш ўринларини сақлaб қолиш ва янгиларини бaрпo этишидир. Келишувлар ва жамоа шартномаларининг дeярли бaрчaси ходимлар бaндлигини тaъминлаш, кaдрларни тaйёрлаш ва қaйтa тaйёрлашга бағишланган тadbирлар билан бoйитилган.

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор.)

Э.ЁҚУВОВ

Қарор ва ижро

ЧИРОФИ ЯХШИ, ТЎЛОВИЧИ?

Вазирлар Маҳкамасининг «Электр ва иссиқлик энергияси учун хисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориде тармоқдаги фойдаланилган энергия учун хисоб-китоб қилишда камчиликларни бартараф этиш, тўлов мuddати ўтган истеъмолчиларга энергия бeрилишини тўхтатиш масaлаларини аниқ қилиб бeришган. Бу бoрада жойларда муайян ишлар амалга oшириб кeлинмoқда.

Жамоамиз 23 мингга яқин истеъмолчига хизмат кўрсатади, - дейди Қашаши туман электр тармоқлари идораси энергия таъминоти бошлиғи Собир Шоймуродов. - Қарорда таъкидланганидек, ҳозирги кунда электр энергиясидан фойдаланиб, ҳақини тўламаётган истеъмолчилар иқтисодий тизимни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаяптилар.

Дарвоқе, тумандаги Керамик фишт заводининг электр энергиядан дебиторлик қарзи 21 миллион сўмдан ошиб кетган бўлсада, уни тўлаш ҳақида ўйламаётганликлари боис, корхонага электр энергия бeриш вақтинча тўхтатилди. Шунингдек, вилоят ичимлик суви ишлаб чиқариш корхонасининг туман бўлими 20 миллион сўм, 6-механизациялашган кўча колонна 1 миллион 838 минг сўм, Қашаши механизациялашган кўча жамланма 1 миллион 899,3 минг сўм қарздор эканликларига қарамай, хотиржамликка бeриладиганликларини қандай баҳoлаш мумкин?

Шуниси ачинарлики, аҳоли орасида ҳам чирогини ёқишга ёқиб, тўловига кeлганда, ўзларини четга олишaётган ҳoлатлар ҳамон учраб тyрибди. Жумладан, «Ер-тепа» кишлоғилик Қаҳрамон Жумаўлов, Рустам Қамбаров, Илхом Эсонов, Мамажараб Рўзиев, «Тўқбой» кишлоғидан Шеркул Тойлоқов, Норкул Очилоч, қизилтепалик Хотам Худойбердиев, Ҳасан Дўстмуродовлар ҳар бири шу бугунга қадар 50 мингдан 130 минг сўмгача қарздор эканликлари ҳақида оғoҳлантирилиб, хўжалик судига даъво аризалари киритилди. Натижада қарздорлардан 52 миллион сўмдан ортиқ электр энергия ҳақи ундирилди.

Шубҳасиз, этаётган ҳар бир кунимизни электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан туманларимизни ёрғ, хонадонимизни нурафшон этаётган электр энергиясидан фойдаланган ҳар бир фуқаро ҳақини ўз вақтида тўлашни ҳам унутмаслиги лoзим.

ШАКАТ СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири



КАХРАМОН ХАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Богот туманидаги қишлоқ хўжалик ширкатида Хоразм вилоятида биринчи Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип Қувоқов ҳайкалининг таътанали очилиши маросими бўлиб ўтди.

Ушбу воқеа Машарип Қувоқов таваллуд тоилганининг 65 йиллигига бағишланди. М.Қувоқов икки йил аввал вафот этган эди. Бироқ бу ерда унинг мeҳнат фаолияти жoнажон хўжалиги билан чaмбарчaс бoғлиқдигини яхши билишaди. М.Қувоқов қарийб 25 йил бошқарган ушбу хўжалик ҳозирда замонавий кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги корхонасига айланган. Қаҳрамон номи бeрилган хўжалик илгор агротехника тажрибаси мактаби сифатида республикага тaнланган.

Ширкат хўжалиги нафақат турли қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳoсил олиши, балки унга яқин сoнoат корхонасида тaйёрланаётган маҳсулотларни билан ҳам маъшур. Улар орасида табиий шaрaтлар ишлаб чиқариш корхонаси ҳам бор.

Ўзбекистон Қаҳрамони ҳайкалининг очилиши маросимида вилоят ҳoқими И.Бoбoнoв иштирок этди.

(Боши 1-бетда)

Ширкат хўжалиги бошқаруви касабаму билан ҳамкорликда ҳозирги ўтиш даври кийинчиликларини хисобга олиб мeҳнаткашларини ижтимоий яхшилаш дастурини ишлаб чиққан. Унга асосан ўтган йили 30 нафар кам таъминланган оилаларга 327 минг сўм нақд пул, 20 кишига 2200 килограмм дон, 34 кишига 143 минг сўмлик кийим-бош, 60 кишига 120 килограмм пахта ёғи, 35 кишига 868 минг сўмлик этик, 100 килограмм гулш ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари моддий ёрдам сифатида бeрилди.

Бундан ташқари пудратчиларнинг фарзандларига 987 минг сўмлик мактаб формалари тақдим этилиб, 9 нафар аълочи, жaмoатчи ўқув-чи ҳар чoрaқда 3000 сўмдан стипендия бeриш йўлга қўйилди. Тармоқ ходимларининг 40 нафар фарзандлари «Зарафшон» болалар оромгоҳида дам олдирилди.

Хўжаликда яхши аъноа йўлга қўйилган. Республика мидаги турли олийгоҳларда шартнома асосида ўқийдиган хўжалик аъзоларининг 12 нафар фарзандлари оталиққа олинган. Шу мақсадда хўжалик бошқаруви ва касабга уюшмалари хисобидан 2 миллион сўмлик тўлов пуллари кўчирилди.

Касаба уюшма аъзоларининг саломатлигини тиклаш, дам олишини уюштиришда ҳам алоҳида эътибор бeрилмoқда. 9 нафар пудратчилар турли санаторий ва курортларда дам олиб, саломатликларини тиклаб қaйтдилар. Шунингдек, мeҳнат тaътилга чиққан ва даволашига мўҳтoж бўлган 4 нафар ходимга

«ЗАРАФШОН»НИНГ МУНАВВАР ТОНГЛАРИ

энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдориде моддий ёрдам кўрсатилди. Хўжаликда байрам тadbирлари алоҳида тaйёрлаб бeрилган ўтказилди. Илгорлар раббатлантирилиб, кам даромадли оилалар, мўҳтожларга моддий ёрдам уюштирилди. Нуруний фахрийларга эса совғалар улашилди. Утган йили шу мақсадда 2,5 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Шунингдек, иккинчи жаҳон уруши ноғирони Султон Ҳамроев хўжалик хисобидан «Моҳи-ҳоса» сыхагоҳида саломатлигини тиклади. Бундан ташқари, 14 нафар доимий ижтимоий ҳимояга мўҳтожларга ички нафақа тaйинланган.

Соҳада узоқ йиллар ишлаганлари тантанали равишда пенсияга узатиш ҳам аъноага айланган. Утган йили 54 нафар хўжалик аъзолари пенсияга узатилиб, уларга қимматбахо совға-саломлар улашилди. Яқинда узоқ йиллардан бири хўжаликда механикатор бўлиб ишлаётган Олим Жалилов оёғи оғриб хаста-

линиб қолди. Касабақум Олимжоннинг оиласини яхши билади. Жўжабирдай жон, 6 фарзанди ҳали ёш. Хотини хўжаликда ишлайди. Шифохонада даволанса, рўзғори ўтириб қолади. Касабақум унинг даволашиши учун туман Марказий шифохонасига 130 минг сўм ўтказди. Бундан ташқари шартнома асосида ўқийётган Аграр университет талабаси Бахриддин Ҳамдамов учун касабга уюшма маблағидан 290 минг сўм олийгоҳга кўчириб бeрилди. Бахриддин учун яхши тaнйиди. Тирноқ, илмга интилуви ёшлардан. Бундай ёшларни қўллаш хўжалик истиқболли учун тамал тоши қўйиш экан-

баркамол бўлишида спортнинг урни беқиёс, - дейди Ш.Шокиров. - Шу мақсадда эҳтиёт қилиш зарур, битта спорт ва бошлангич мақтабга 800 минг сўмлик спорт жиҳозлари олиб бeрдик.

Эзгу ишлари шак-шубҳасиз, одамларни янги-янги зафарларга чoрлайди. Хўжалик аҳли Шухратжонни шунинг учун ҳам қaттиқ хурмат қилади. Оиласида бирор муаммо чиқса ҳам унга мaслaҳат солишади. Унга ишонишaди, унга сўянишади.

Амина ҚОДИРОВА, «Ишонч» муҳбири

РЎЁБ ОПА ОРЗУЛАРИ

Рўёб опа Маматова-нинг Мирзачўлда кeлганига ўттиз етти йил бўлди. Шу даврда опа уста пахтакор сифатида дoнг тартиб қaтoр мукофoтлар олди. эл-юртнинг хурмат-эътиборини қoзонди. 35 йилдан зиёд пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилди. Бугун унинг ўз ери бор. Ўзи бригадирлик қилган хўжаликнинг 192 гектар ерини узоқ мuddaтли ижрага олиб, фермер хўжалиги тaшқил этди. Айни кунларда опаннинг 77 гектар майдондаги гaллaси бошoқлаб, ҳoсил тўплaмoқда. 105 гектар майдондаги гўзаларни эса бaрaвж ривожланишaди.

- Шу кунларга етказганга шукр, - дейди Рўёб опа. - Мен умримнинг ярмини сарфлаган ерим энди ўзимники бўлди. Бир «Олтой», икки «Беларус» тракторим оғиримни енгил қилаяпти. Эскироқ бўлса ҳам «ХНП-1,8» русумли тўртта терим машина бор. Уларни қишдаёқ таъмирдан чиқариб, йиғим-теримга шай қилиб қўйганмиз. Бу йил пахтамиз ўтган йилгидан 20 кун илгари экилган. Демак, ҳoсил ҳам бир ой эрта етилaди. Гaллaсининг ҳам авжи яхши. Худо хоҳласа, чўлгаган ҳoсилимизни оламoзи.

Ўзлни ўлаштириш бошланганда дастлаб тaшқил этилган туман - Мирзачўлда Рўёб Маматова каби ҳақиқий пахта усталари кўп. Ҳозир тумандаги 900 дан зиёд фермер хўжалиги 13 минг 500 гектардан зиёд майдонда гўза парваришлaмoқда.

Ш. ИСКАНДАРОВА, «Ишонч» муҳбири

(Ўз)

Жондор туманидаги

Махмуд Торобий номили ширкат хўжалигига қаршли Чорғули-2 қишлоғи аҳолиси табиий газдан фойдаланиш имконига эга бўлиши.

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» КЕЛДИ

Қишлоққа қўшни Пешканд қишлоғидан уч километр узулидаги газ ўтказиш кувурлари тортиб кeлинди. Маблагининг бир қисми ширкат хўжалиги томонидан тўланган бўлса, қолган қисми қишлоқ аҳолисидан йиғилди. Урнатиш ишларини тadbиркор Максуд Файзуллаев ўз бўйига олди. Қишлоқнинг 50 та оиласи «зангори олов» билан таъминланди.

АЖОЙИБ КОЛЛЕЖ КУРИЛМОҚДА

Жондор туманининг «Гулистон» ширкат хўжалиги худудидеги Пахтаобод қишлоғида 450 ўқувчи ўрнига эга бўлган иқтисодий касб-хунар коллежи қурилиши ниҳoсига етмoқда.

Бош пудратчи хисобланган 52-кўча механизациялашган колонна бунёдкорлари айни пайтда лaрдoзлаш ишларини давом эттиришмoқда. Мустақилликнинг уч ой йиллиги арафасида фойдаланишга топширилаётган ўқув даргоҳида талабалар учун бaрчa қулайликлар

СОХТА ХУЖЖАТ

тақдим этиб, ноқонуний нафақа олаётганлар

Баъзи фуқароларда ҳуқуқий саводхонлик етишмаётганлиги конун бузилишига сабаб бўлмоқда. Туман прокуратурасининг иш режасига асосан фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган конунлар ижроси қандай амалга ошириладиганлиги юзасидан тумандаги «Маданият» маҳалла ва «Чойдори» қишлоқ фуқаролар йиғинларида текшириш ўтказилганда шундай ҳoл кузатилди. Мисoл учун, болали оилалардан 16 (18) ёшгача нафақа олувчи оилаларнинг ҳужжатлари кўздан кeчирилганда жиддий қусурлар сезилиб қoлди. Жумладан, «Маданият» маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.Хуррамoв Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли қарори

билан тасдиқланган «Вoғга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тaйинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низомнинг 3-банди талабларининг Низомнинг 3-банди талабларининг ҳақиқат ва мўлқий аҳволини чуқур ўрганмаган. Бундан ташқари, оила умумий даромадининг миқдори, оила аъзолари даромадларини шаклланишининг асосий манбаларига жиддий эътибор қаратилмаган. Жумладан, қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан нафақага мўҳтож бўлган оилаларга уни тaйинлаш ва тўлашда

«ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҚ БАЙРАМИ» ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Жиззахда ўрта махсус касб-хунар таълими ўқув муассасалари ўртасида республика аънаъини «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда касб-хунар таълими тизимидаги ҳамда академик лицейлар жамоаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Жамоалар ўртасида биринчи ўрин Жиззах политехника институти қўшидаги академик лицей вакилларига насиб этди. Бу жамоа эндиликда вилоят шарафини кўрик-танловнинг республика босқичида ҳимоя қиладиган бўлди.

Жиззах туманидаги иқтисодиёт коллежи, Жиззах транспорт ва алоқа коллежи, Даштобод транспорт коллежи жамоалари фахрий 2-, 3-ўринлар-

ни эгаллашди.

«Жиззали рақс», «Ёш умидли созанда», «Мафтункор овоз соҳиб» номинациялари бўйича Жиззах политехника институти қўшидаги академик лицей ўқувчиси Зоҳида Пархоева, Жиззах педагогика институти қўшидаги академик лицей ўқувчиси Арофат Мўминова, Фориш маиший хизмат коллежи талабаси Собир Тимуровлар ғолиб деб топилдилар.

Кўрик-танлов ғолиблари вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, таълим ва фан ходимлари касабга уюшма вилоят кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимининг қимматбахо эсдалик совғалари ҳамда Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Кўрик-танлов

– Кўрик-танлов қўшиқ санъатининг етти халқи асосида ўтказилди, – дейди хайъат аъзоси, таълим ва фан ходимлари вилоят касабга уюшма кўмитаси масъул ходими Бердиёр Қулжонов, – унда 40 га яқин жамоа иштирок этиб, ўзaro бахшландилар. Энг муҳими, жамоалар фаоллиги ошган. Қўзда тутилган мақсад йўлида фаол интилишлар яққол сезилиб турди. Айниқса, қизиқлиқ ўшларининг санъатга бўлган қизиқиши, меҳри улар ижросидаги у ёки бу асарларда намоён бўлди. Шу ўринда шахсий мулоҳазамни айтсам, ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида ҳам умумтаълим мактабларидаги каби бадий тўғрак раҳбарларига маош тўланадиган штат берилса, нур устига нур бўларди. Шунда барҳаёт қўшиқчилигимиз янада раванг топиб, унинг парвози юксакларга кўтарилади.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири


Ўзбекистон фанлар академиясининг тил ва адабиёт институти ўзининг бой фольклор архивига ҳам эга. Халқ оғзаки ижоди билан шуғулланиб келатган олимлар томонидан қарийб 80 йил мобайнида тўпланган материаллардан ташкил топган бу архивни атрофича ўрганиш борасида илмий муассасанинг фольклор бўлими самарали изланишлар олиб боришмоқда.

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ АРХИВИ

Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида 37 жилдан иборат «Ўзбек халқ ижоди»: «Ўзбек фольклори очерклари», «Ўзбек халқ поэтик ижоди» каби нашрлар юзга келди.

Ҳозир бўлим яна қатор йирик тадқиқотлар устида иш олиб бормоқда. «Ўзбек фольклори ёдгорликлари» деган номдаги янги наشري босмага тайёрлашга киришилди. Юз жилдан иборат бу академик нашр фольклоршунослик тарихида муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ўзбек фольклори архиви материалларини тўла илмий тавсиф қилиш ва каталоглаштириш амалга оширилади. Шу йўналишда фольклор асарларининг илмий, илмий-оммабош нашрлари тайёрланади.



Феруза эндигина ўн тўрт ёшни қаршилади. Ёш бўлса-да спортда катта ютуқларга эришти. Устози Бекзод Юсупов кўмагида таэквондонинг сир-синоатларини кунт билан ўрганиб бормоқда. Бир неча йилдан бери тугаракка қатнашиб, яхши натижаларга эришадиган. Утган йили бўлиб ўтган турнирда республика чемпиони бўлди. Жиззахдаги 16-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Феруза Абдуллаева ва мактабда аъло баҳолаб ўқиш билан биргаликда спортни жондидан севади. Унинг мақсади келгусида жаҳон чемпиони бўлиш.

Суратда: таэквондоччи киз Феруза Абдуллаева. Б.НОРКУЛОВ олган сурат

Республика олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти таълимда инновациядан фойдаланиш йўналиши бўйича қатор изланишлар амалга оширмоқда. Педагогик технология жа- раёларини ривожлантириш қаратилган инновацион фаолият малакали кадрлар тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

ПЕДАГОГ ИННОВАЦИЯ

Таълим сифатини ошириш бўйича тайёрланган дастурлар эса маънавият ва спорт, ахборот технологиялари, масофавий таълим каби йўналишлардаги билимларга қаратилди. Педагогик инновацияни олий ўқув юрталари ўқув жараёнига татбиқ этишга доир рисоаларидан бир нечаси чоп этилди. «Таълимда 100 та инновация», «Чет эл педагогик тажриба», «Танқидий фикрлаш асослари», «Ўқитишнинг муаммолари-изланиш модели» каби рисоалар эса электрон почта орқали республикамиздаги барча олий ўқув юрталарига тарқатилди.

Айни вақтда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун 300 га яқин дарслик ва ўқув қўлланмаси тайёрланди.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛМИЗ!

Ёшларни бўш вақтларидан самарали фойдаланиш, уларни жисмонан чинқилтириш ҳамда ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш борасида давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшма Марказий кўмитасининг Бухоро вилоят вакиллари жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда муайян ишларни амалга оширмоқда.

Мудофаага кўмаклашувчи Бухоро вилоят «Ватанпарвар» кенгаши ҳамда вилоят вакиллари ҳамкорликда маҳаллалардаги ёшларни ҳарбий-спорт уйлари бўйича тўғаракларга жалб қилган ҳолда уларни ватан ҳимоячилари бўлиб етиштиришга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Касаба уюшма тадбири

Жумладан, 15 май кунини вилоят бўйича «Ватан ҳимоячилари» клубларининг II спартакиадаси бўлиб ўтди. Спартакиада иштирокчилари ҳарбий-спорт уйлари билан сафда юриш, противогаз қийиш, граната улоқтириш, ҳаво милитердан отиш, автоматни бўлаклаш ва тузиш, турникда тортилиш ҳамда 2000 метрни кросс турлари бўйича мусобақалашдилар.

Кизгин ва муросасиз ўтган ҳарбий-спорт уйларида умумжамоа ҳисобиди биринчи ўрин Бухоро шаҳри вакиллари, иккинчи ўрин Гиждувон туман вакиллари ва кейинги ўрин Шофиркон туман вакилларига насиб этди.

Умумжамоа ҳисобиди ғолиб чиққанлар Марказий кўмитанинг Бухоро вилоят вакиллари томонидан қимматбахо совғалар билан тақдирландилар.

Б.САИДОВ

Халқ оғзаки ижодиёти

Жанубий Ўзбекистон бахшилари, хусусан, Қодир бахши репертуарида «Гўрўгли» туркумига кирувчи достонлар асосий ўринни эгаллашди. Айниқса, бахшидан Ёзип олган «Гўрўгли» туркумига оид достонлар орасида «Зайидиний» бадий мукамаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Достонда ҳар бир мотивнинг изохлини, композиция ва сюжетининг яхлитлиги, тилининг тасвирий-ифодавий воситаларидан умумий фойдаланилиши, халқ урф-одатлари ва руҳининг ўзига халқчаллиги билан «Гўрўгли» туркуми достонларининг мукамал намунаси сифатида баҳолашни лозим.

«Зайидиний» достонининг сюжет йўналиши оддий. Гўрўглининг отаси вафот этган, тоғаси Аҳмад Сардор уни ўз тарбиясига олади. Райхон араб хийла билан Аҳмад Сардорнинг хотини Холжувонни олиб қочади. Аммо Гўрўгли унинг тулпоридан зот олиб қолган эди. Гўрўгли тоғини излаб Афсар тоғига боради ва Юнус пари билан Мисирлини қўради. Уша ерда Хизр, қирқ чилтондан дуо олиб қайтади ва Гиротнинг ёрдами билан Зайидиний олиб келиб, тоғаси Аҳмад Сардорга беради.

Достонда эпик қаҳрамон туғилишига уру берилиб, унинг қадимий асосларга эга эканлиги кўрсатиб ўтилди. У отасиз, сув бетида келатган қўлдан қўйилган она қорнида пайдо бўлади ва эпик қаҳрамон сув кўлига билан боғланади. «Гўрўглининг» онаси Бибиҳиллол қизлигида ҳимолардан бўлиб қолган, бунинг сабабини ўзини билмас, бирор эркак зотининг қошига яши қўрмаган эди. Авваллари ҳеч кимга билдирмайдиган. Тўққиз ойга борганда Аҳмад билан олиб қилиш унун уларни бирлаштириш кераклигини таъкидлайди. Аммо унинг мақсадини амалга ошириш учун мард йитилган ва от кўрақ. Шу мақсад оти уни янада боғлайди. Умиди сув отидан турилган Тарлон биядан зот олиш. Чунки туғилганда унун Аййир қўлдан чиққан тулпор хусусиятларини ўзига жалмашига ишонди. Аммо Тарлон бия ҳеч қандай айғирни ёнига яқинлаштирмайди. Шунда Гўрўгли

тўққиз сўра, умр сўра, аммо фақат Гиротни сўрама», – деб илтимос қилади.

Уруш кунда қилгудан қон тизилар, Бўстон жойлар гулдан бўлиб бузилар.....Сен ҳам солма элга ёмона, Шулқил сўра, сўрамагин Гиротни.

Чилтонлар қанча ҳаракат қилмасин, Гўрўгли фикридан қайтмайди. Энди Гиротнинг Гўрўглига насиб қилганини билган қирқ чилтон эпик қаҳрамонга қирқ насихат қилиб, яхшилик ва ёмонлик, згулик ва қабоят, тўғрилиқ ва эгрилик, диёнат ва хиёнат,

ҚИРҚ ЧИЛТОННИНГ ҚИРҚ НАСИХАТИ

қўради. Хизр бияни тўққиз ойга билан нўсталаб, Гўрўглига топширади ва от бошидан нўхтани олмаслиқни, учини қўлдан қўймаслиқни таъинлайди. «Орадан тўққиз ой ўтди, нўхтани имлаб, ёнбошлаб...қўзи ўйқута кетди. Тарлонди тўққоз тулди, жонивор жотди, бошини ерга суйқабтиб, нўхтаси бошидан чиқиб кетди. Шу вақт бир бўлак қиши етди, бияни қўтариб кетди».

Чилтонлар 90 та қўйларга қўшу ҳайвондан, 90 та оғуриқдан, 90 ўқир қўздан, 90 та толмас, сусамас, кўнворлардан олган, бира қўшиқ биланга озуқа билан қўлунчи озиқлаштириб, уларни ром эздилар. Гўрўгли эса, қўзини ёшлаб қолверди. Тушида яна Хизр, Қамбар бобо қўлунчи уч йилдан сўнг Ақсар тоғдаги Тавваккал горидан топшиқини айтиб, йўл кўрсатадиган эди.

Орадан уч йил ўтди, яна Қамбар бобосига дўч келган Гўрўгли ундан жимоний ва маънавий қудратга эга бўлиб, ҳамма вақт тақдир этилган шахсга бахт, муваффақият келтирадиган сеҳрли патни олиб, Гиротни олиш учун Тавваккал горига жўнайди. Чилтонлар кўп бор Гўрўглини тилагидан қайтаришга уринади. «Олай десанг, Ақсардайн олтин ол, бошқа сўра, сўрамагин Гиротни. Дилбанд сўра, фарзанд сўра, авлод сўра, беллик сўра, шерлик сўра, шохлик сўра, борлик сўра,

мардлик ва номардлик, муҳаббат ва айрилиқ, адолат ва згулик, ростлик ва ёлгон, ҳаёт ва ўлим, уруш ва тинчлик, бақо ва фано, ҳўд ва душман, инсон ва табиат дўста ахлоқий ўқит, панд-насихат қилиб, шўрдан сўнггина уч марта ниҳтинги сўраганда отни биз бермадик, ўзинг топиб олдинг, бошқа мақсад сўра, ёшлиқ қилма, деб қайта-қайта қўлтонларда ҳам отни сўраган, чилтонлар Гўрўгли истаги-отни бериб келажатдан башорат қилади.

...Адолатга орсанг, олдинг қайтмасин, Олишас балонинг кучи етмасин, Безгунинча Чамбилдан отмасин, Кетган қолсин, фарзанди йўқ Гўрўгли.

Бу ерда асосий масала Гўрўглининг бугун ҳаёти башорат қилинишида.

Хуллас, «Зайидиний»да қирқ чилтонлар 90 насихати, Хизр, Қамбар бобонинг Гўрўглига берган ўғитлари халқ педагогикаси хусусиятларини жалганганини билан алоҳида ажралиб туради. Достонда 438 тасниинг ҳикмат даражасидаги байт билан бошланиши фикримизни яққол исботлайди.

Насим ОЧИЛОВ

Нафс балоси

Урганч шаҳрида яшовчи Любов Кабанина пенсияга чиққач, ҳам тинч ўтиролмади. Нафси хакалак отиб қўймади. Бўлмаса Анна Герман кўчасида биноийек уйи бор эди. Ундаги мол-дунёга хирс, айниқса, қарганда қучайди. Бозордан уни буни олиб сотиш билан шуғуллана бошлади. Бозорга чиқиб лақна харидор излайдиган одат чиқарди. Оқир оқибат жиноят йўлига қиришдан ҳам тоймади. Электр ҳақини тўлашдан қочиб, ток ҳисоблагични тўқтатиб қўйганидан одат чиқарди. Лекин у ўзининг бу кингирлиги оқир-оқибат фожеага олиб келишини ўйлаб ҳам қўрмади. Кўза кунда эмас, кунда синди деганларидек, шу йилнинг 23 феврал кунини содир бўлган фожеа эитганларнинг қалбини ларзага солди.

ФОЖЕА САБАБЧИСИ-ҚИНФИРЛИК

Кабанина анчадан бўён электр ўлчангичи тўқтатиб қўйиш мақсадида ётоқонадаги ток ўлчангичининг қўлланмиш тармоғининг «0» қисимидан ва электр ҳисоблагичдан симлар тушириб электр печкани ва бошқа ток истеъмол қиладиган электр асбобларни ишлатиб юрарди.

Уйда яшайдиган барча одамларнинг ҳаётини ҳавф остига қўйганини ўйлаб қўрмаган ҳам эди. Уша кунни ўйини биринчи қавадта магазиннинг иситиш тармоқларини таъмирлаш учун сантехник уста О.Ражабов ва шогирди эндигина ёши йигирмалардан ошган йигит Умар Жумабоевлар таъшир буюради.

– Мен нарвон билан иситиш тармоғини юқорисидан кесиб учун чиқдим, кесибга қулай бўлиши учун Умар труба батареясини пастидан кўтариб турмоқчи бўлиб, трубага қўлини қўйиши билан электр токи уланиб қолади. Шу ҳаракати билан у шу

Г.ҚУЛИМОВА, Урганч шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг раиси Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС: Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

МАРОҚЛИ КЕЧА

Республикаимиз пойтахтида янги қад кўтарган ҳашаматли бинода Озарбайжон маданияти маркази жойлашди. Эндидийқда бу ерда ўзбек ва озарбайжон дўстлигига бағишланган турли ижодий кечалар, учрашувлар ҳам ўтказилмоқда.

Озарбайжон ва Ўзбекистон халқ артисти, театр санъати устаси Фирӯддин Сафаров ижодига бағишланган кеча ҳам қўлчилди яхши таассурот қолдирди. Бу озарбайжонлик санъаткор бундан 25 йил аввал Ўзбекистонга келиб, ўз фаолиятини Алишер Навоий номидаги ўзбек академик опера ва балет театрида давом эттирди. Шу чорак аср мобайнида у «Лайли ва Мажнун», «Майсаранинг иши», «Умар Хайём», «Самсон ва Далила» каби спектакллари постановка қилди.

А.АҚБАРОВ

ISHONCH

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содикор, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафқов, Мирфозил Олимов.

Телефонлар: Котибхона 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топшириш - 21.30

Масъуллик: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерда терилиб ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

8 БАЛЛИК ХУДУД

Ўзбекистон сейсмик олимлари кўп йиллардан бўён шаҳар қишлоқларимиз заминининг элизилага бардошлиги устида тадқиқотлар олиб боришмоқда. Чунки вақти-вақти билан уларнинг натижалари умумлаштирилиб, республикаимиз ҳудудининг элизилага бардошлиги харитасига ўзгартиришлар киритиб турилади.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Заминшунослар Зарафшон дарёси ётқиқлиги устида жойлашган Когон шаҳрининг ту-

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Япониялик мутахассислар қисқичбақа, омар, краб ва лангустани қайта ишлангандан сўнг қоладиган

Машгулот охирида нафас олиш функцияси деб номланувчи диаграмма беморларнинг умий аҳоли аниқлашланганлигини кўрсатади. Уларнинг қўпчилиги даволангунга қадар секин ҳаракат қилар, тортинчоқ ва ювощ эди. Даволангандан сўнг болаларнинг умумий кайфияти ҳам ўзгарди.

А.АЛИЕВ

ЯНГИЧА СПОРТ ҚИЙМИ

Ўзбекистон Агросоанот мажмуи ходимлари касабга уюшма Марказий кўмитаси ва Қашқадарь вилоят кўмитаси Қамашини тумани касабга уюшма тармоқ кўмитаси раиси Н.Қосимовга волидаи мухтарамаси МУСАЛЛАМА аянинг вафот этганини муносабат билан чуқур таъзия изхор этади.

СУВДА СУЗИШНИНГ ФОЙДАСИ

Венгриянинг Пен шаҳрида болалардаги оғир астма ҳас-

талигини даволашда қўлланилаётган янги усул муваффақиятли ўтди. Шифокор иккита психолог ва спорт тренераи астма билан ҳасталанган болалар билан сузишни ўргатувчи 6 ойлик курсда машгулот ўтказди.

А.АЛИЕВ

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Каттиқ органик модда хитиндан спорт қийми учун пишиқ ва тоза материал олиш технологиясини ишлаб чиқди.

Янги материал «Биохитин» деб номланади.

А.АЛИЕВ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибхона 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топшириш - 21.30

Масъуллик: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерда терилиб ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС: Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси